

## НОТЎЛИҚ ОИЛАДА ВОЯГА ЕТАЁТГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ПСИХОЛОГИК ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҲОЛАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-520-528>

**Миракбарова Дилдора Миралишер қизи**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада бугунги кунда нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунёнинг глобал муаммоларидан бири бўлмиш – нотўлиқ оилада вояга етаётган болаларнинг ҳуқуқий, психологик, ахлоқий ҳолатлари ўрганилади. Шунингдек, ажралишидан сўнг фарзанд олидида ота-она бурч ва мажбуриятларининг диний ҳукмлари ҳам таҳлил қилинади. Маълумки, ҳар бир жамият асосини бахтли ва мустаҳкам оила ташкил этади. Оила маънан бахтли бўлгандагина, моддий неъматлар кўзга кўринади, демографик муаммолар ҳал этилиб, ҳар бир инсон ўз соҳаси ривожини учун хотиржам ҳисса қўша олади. Оила мустаҳкамлигига раҳна солувчи муаммолар ва уларнинг оқибатини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда улардан тўғри хулоса чиқара билиш оила ва жамият келажagini фаровон бўлишига олиб келади.*

**Калит сўзлар:** *Оила мустаҳкамлиги, нотўлиқ оила, ажрашув, фарзанд тарбияси, ижтимоийлашув, девиант хулқ-атвор, оиладаги соғлом маънавий муҳит, алимент.*

### ANALYSIS OF THE LEGAL, PSYCHOLOGICAL AND SPIRITUAL- MORAL STATE OF CHILDREN GROWING UP IN A DEFECTIVE FAMILY

**Mirakbarova Dildora Miralisher qizi**

Researcher PhD of Tashkent state university of economics

### ABSTRACT

*The article examines the legal, psychological, moral conditions for raising children in an inferior family, which today are one of the global problems not only in Uzbekistan, but throughout the world. Religious rulings on parental duties and responsibility to the child after a divorce are also analyzed. The basis of any society is a happy and strong family. Only when the family is spiritually happy, material benefits are visible, demographic problems are solved, and everyone calmly works on developing their business. The ability to study, analyze and draw the right conclusions from the problems and their consequences that undermine the strength of the family leads to a prosperous future for the family and society.*

**Keywords:** Consolidation of the family, defective family, divorce, upbringing of the children, socialization, deviant behavior, spiritual healthy environment in the family, alimony.

## АНАЛИЗ ПРАВОВОГО, ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО И ДУХОВНО- ПРАВСТВЕННОГО СОСТОЯНИЯ ДЕТЕЙ, ВОСПИТЫВАЮЩЕГОСЯ В НЕПОЛНОЦЕННОЙ СЕМЬЕ

**Миракбарова Дилдора Миралишер кизи**

Докторант Тошкентского государственного экономического университета

### АННОТАЦИЯ

*В статье исследуются правовые, психологические, нравственные условия воспитания детей в неполноценной семье, которые сегодня являются одной из глобальных проблем не только в Узбекистане, но и во всем мире. Также анализируются религиозные постановления о родительских обязанностях и ответственности перед ребенком после развода. Основа любого общества - это счастливая и крепкая семья. Только когда семья духовно счастлива, материальные блага видны, демографические проблемы решены, и каждый спокойно работает над развитием своего дела. Способность изучать, анализировать и делать правильные выводы из проблем и их последствия, подрывающих прочность семьи, ведет к благополучному будущему для семьи и общества.*

**Ключевые слова:** Укрепление семьи, неполноценная семья, развод, воспитание детей, социализация, девиантное поведение, здоровая духовная среда в семье, алименты.

### КИРИШ

Халқимиз қадим-қадимдан бола тарбияси, таълими, келажагига катта эътибор билан қараган. Бола тарбиясида умуминсоний, миллий ва диний тажрибаларни уйғунликда олиб бориб, давлатимиз, жамиятимиз, қолаверса, дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлар, алломаларни етиштириб чиқарган ва етиштирмакда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқида “Таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз”[1,19] деб, боланинг ёрқин келажаги нафақат ота-она, таълим муассасаси ходимлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари

вакиллари, балки бутун жамиятнинг бурчи эканлигини таъкидлаб ўтган. Афсуски, оила аталмиш кўрғон дарз кетганда эса маънавий қурбонлар кўп бўлади. Шулар орасида энг қаттиқ маънавий зарбага учраган инсонлар – бу норасида фарзанлардир. Нотўлиқ оилада вояга етаётганларнинг сони эса йилдан йилга ошиб бормоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Илмий тадқиқот иши изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган, самарали натижага эришилиши учун илмий методларга мурожаат қилинади. Нотўлиқ оилада вояга етаётган болаларнинг ҳуқуқий, психологик ҳамда маънавий-ахлоқий ҳолатлари таҳлил этилган ушбу илмий мақолада назарий методлардан қиёсий таҳлил, таққослаш, тизимлиликдан фойдаланилди. Илмий мақоланинг амалий қисмини ёритишда дала тадқиқотлари, яъни сўровнома ва интервью методларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг қомуси бўлмиш Конституциянинг 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” [2, 22] деб, болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний тартибда мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, давлатимиз ушбу соҳага оид кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилган, халқаро ҳужжатларга қўшилган, ратификация қилган.

“Оила энциклопедияси” да “Нотўлиқ оила – бу ота-оналардан бири йўқ бўлган оила. Бу оила турида ота-оналарнинг ажрашиб кетишидан ташқари, бирор объектив ва субъектив сабаблар натижасида: беморлик, фавқулодда ҳодисалар, ўлим, меҳнат миграцияси туфайли эр ёки хотиннинг ўзга юртларда қолиб кетиш ҳолатлари ҳам учрайди” [3, 108] деб “нотўлиқ оила” тушунчасига таъриф берилган.

Психолог Шоумаров Ғ. “Маълумки, ўзбек оилаларида ажралишлар миқдори бошқа миллатлар, масалан рус оилалариникига қараганда икки марта кам. Лекин ҳар бир ажралишган оилага тўғри келадиган “тирик етим” болалар сони ўзбек оилаларида 2-2,5 мартага кўп” [4, 188] деган. Таъкидлаш лозимки, ажралишдан кейин маънавий қурбонлар сони, болалар ҳисобига, ўзбекларда афсуски кўпроқ.

Чет эл олимларидан Э.А. Аднан, Р.И. Рауф ва бошқаларнинг “Ажрашувни қабул қилиш таълими” [5], Д. Мечаник ва С. Ҳанселлнинг “Ажралиш, оилавий низолар ва уларнинг ўсмирлик даври фаровонлигига таъсири” [6], А. П. Бехере, П.Баснет, П. Кампбеллнинг “Оила тузилишининг болалар руҳий саломатлигига

таъсири: дастлабки тадқиқот”[7] каби мақолаларда оила мустақкалигини сақлаш, ажрашиш сабабларини ўрганишдан кўра, ажрашувнинг оилада вояга етаётган фарзандларнинг жисмоний ва рухий соғлиғига бўлган таъсирига кўпроқ эътибор қаратилган. Солиштириб ўрганадиган бўлсак, ўзбек оилаларида ажрашиш юз берганда нафақат фарзанд, балки эр-хотин, уларнинг ота-онаси ва яқинлари ҳам психологик оғир вазиятга тушиб қоладилар. Бу ўзбек менталитетининг оғрикли бир нуқтаси ҳисобланади.

## МУҲОКАМА

Кўпинча оилалар бузилганда болалар онада қолади. Бунга сабаб, онаси фарзандини барча талабларини, инжиқликларини яхши билиши, кўп вақтини асосан фарзанди билан ўтказганидандир. Аммо бу ота энди оталик вазифасидан озод дегани эмас. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 96-моддасида “Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота(она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади”[8] дейилган. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида, бола манфаатларини кўзлаб, ота-онанинг ўзи ҳам алимент тўлаш тартибини келишиб олишлари мумкин. Шунингдек, “Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак”[8], деб вояга етмаган бола (болалар) учун алимент тўлаш тартиби ва миқдори белгиланган.

Ислом дини тарихида ҳам ажрашиш ҳолатлари бўлган. Бундай вақтда, яъни аёл эри билан оила бўлиб яшаб кетолмаслиги аниқ бўлган, мураса йўлига ўтилган. Яъни аёл ва унинг фарзандлари учун алоҳида уй ажратилган ва ота эрлик вазифаларини бажармаса ҳам, оталик бурчини адо қилиб, болаларини моддий ва маънавий таъминлаган. “Шариат истилоҳида ота ва она ажрашганидан кейин гўдак болани ўз қарамоғига олиш ва тарбия қилиш — “ҳизона” (“кучоғига олиш”) дейилади. Ота-онанинг нима сабабдан ва қандай ҳолатда ажрашганларидан қатъи назар, онаси истаб турса, бола онага берилади. Агар аёл олишни истамаса, у мажбурланмайди” [9, 332]. Лекин иложи борича онага, она томонидан аёл қариндошга берилади. Саҳоба Али розияллоху

анхудан ривоят қилинган ҳадисга кўра, “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Хола она билан баробардир”, дедилар”[10, 548], дейилган. Ёш болани қармоғига олиш каби масъулиятнинг маънавий томонини эркакларга нисбатан аёллар яхши бажара олишлари ҳаммага маълум. Аммо ҳадиси шарифларга кўра, болани ва бола тарбияси билан банд бўлган онани моддий таъминлаш отанинг бурчи бўлиб қолаверган ва бундай мажбуриятдан бўйин тўвлаш оталар учун ҳам ор ҳисобланган.

Бугунги кунда, асосан, ажрашишдан сўнг болаларнинг таъминоти тўлиқ онасининг зиммасига ўтади. Ота учун эса нафақат аёли, балки фарзандлари ҳам “собик”лик мақомини эгаллайди. Энди улар ундан узоқда, “ёмон” онасининг кўлида, демек ўша она боқиб олсин, деган тушунча билан уялмай, бошқа янги ҳаёт қуришни кўзлаб юрган одамлар орамизда оз эмас. Боланинг маънавий ҳолати у ёқда турсин, моддий эҳтиёжлари ҳам таъминланмайди. Суд томонидан ундириладиган алимент ҳам мутасадди ташкилотларнинг мажбурловлари билан, жавобгарликка тортилмаслик учун тўланади. Шундай оталар ҳам борки, ўз фарзандига алимент тўловини қисқартириш учун, бегона инсонлардан ёрдам сўраб, “рози қилиш”ларини айтиб юрадилар. Ўз фарзандига шу пулни бериш эса “увол”дек туюлади. Гўёки бу билан улар фарзандларини эмас, собик рафиқаларини “ёмонлиги”, “бесабрлиги” учун жазолаётгандек. Лекин аслида ким қийналмоқда? Кимнинг болалик йиллари ўзининг болалик орзуларини чегаралаш билан ўтмоқда? Аёли собиқлик мақомини олгани билан фарзандлар шу инсон наслининг давомчиси ҳисобланади. Инсонийлик, мардлик туйғуларини унутмаган одам болаларини на моддий, на маънавий қийноқларда қолишига йўл қўймайди.

Шу масалалар юзасидан, “2017 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Суд департаменти, ҳозирги Мажбурий ижро бюроси Наманган вилояти бюро суд ижрочилари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Маълум бўлишича, бюрога келиб тушаётган ижро ҳужжатларининг 60%и алиментни тўламаслик билан боғлиқ масалаларга оид. Оталик бурчини унутган инсонларга масъулиятларини ёдига солиш, маънан таъсир кўрсатиш мақсадида “Фарзандларнинг ҳам собиқи бўладими?”, “Дадажон бизни эсингиздан чиқарманг!” шиорлари остида баннерлар ишлаб чиқарилиб, вилоятнинг туман марказларига жойлаштириб чиқилди” [11].

Маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Мажбурий ижро бюросида иш юритувидаги 992 мингдан ортиқ ижро ҳужжатларининг 245 мингдан ортиғини(24%и) алимент тўловларига оид ишлар ташкил қилади. 126

710га яқин алимент қарздорлари тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган бўлсалар, 58 190га яқинининг алимент пуллари давлат ижрочилари томонидан қарздорларга мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш орқали ундириб берилмоқда. Демак, 58 190га яқин алимент тўловчи алимент пулини ўз хоҳиши билан тўламайди. Бюро органлари ижрочилари томонидан алимент тўловлари бўйича қарздор ва ундирувчилар билан ўтказилган тарғибот тадбирлари натижасида 2021 йил 1 июлга қадар 1463та ижро ҳужжати юзасидан тарафлар ўзаро яраштиришга эришилган[12].

## НАТИЖАЛАР

Мақоланинг амалий қисми дала тадқиқотлари, яъни сўровнома ва интервью методлари орқали ўрганилди. Сўровнома ва интервьюда сифат кўрсаткичлари муҳим асос қилиб олинди.

1. Оила ишлари билан шуғулланувчи мутахассислардан интервью олинди. Интервьюда 7та мутахассис ўз фикр, мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

2. Ажрашган эркак ва аёллар учун сўровнома тузилди. Сўровномада асосий эътибор респондентларнинг ўз бошларидан кечирган ҳолатни тўлиқ ёритиб бера олишларига қаратилди. Умумий олганда сўровномада 23та респондент иштирок этди.

Мавзуимизга доир бир қанча саволларга респондентлардан жавоб олинди. Мисол учун, *ажрашган ёшларга “Ажрашишингиз фарзанд(лар)ингизга қандай таъсир қилди?”* деб берилган саволга сўровномада вариантлар белгиланмаган бўлиб, иштирокчилардан ўз фикрларини билдиришлари сўралган эди. Қуйида фикрлардан намуналар: “Ёмон”; “Тушкунлик”; “Буни вақт кўрсатади”; “У дадасини билмайди”; “Албатта ёмон. Аммо тинч, уруш-жанжалларсиз оилада вояга етгани яхши бўлди”; “Бошқа болаларга нисбатан камгап, кўзлари мунгли”; “Агрессив бўлиб қолишди”; “Руҳиятига таъсир қилди”; “Тўғриси билмайман. Фарзандларим билан дадаси тўғрисида умуман гаплашмаймиз”; “Салбий томони: одамларга нисбатан ишончсизлик, ижтимоийлашишда қийналиш кузатилди. Лекин вақти билан ўзилигини тутиб олишди. Эркин яшаб, ўз фикрига эга ва фикрини эркин баён қила оладилар. Ҳаёт муаммолари, қийинчиликларини вақтинчалик синов, деб қабул қилиб, ҳаётга позитив ёндашадилар. Муаммодан қочмай уни ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Ҳамма етимликда катта бўлган болаларда агрессия, тарбиясизлик ҳолатлари кузатилмас экан. Одамлар бўрттириб юборадилар. Бу фарзанд катта бўлаётган оилага боғлиқ экан”.

Мутахассислардан “**Ажримнинг ажрашган инсонларнинг яқинларига таъсири**” ҳақида сўралганда ҳаммалари аввало ажрим ажрашганларнинг фарзандларига салбий таъсир кўрсатишини айтиб ўтганлар. Масалан, ота-онаси ажрашган болаларда психологик ўзгаришлар, ўзини агрессив тутиш, тарбия бузилиши, девиант хулқ-атворга мойиллик, хавотир, ўзига ва одамларга ишонмаслик, келажакка нисбатан ишончнинг йўқлиги, айниқса балоғатга етган қизларнинг турмушга чиқишга кўрқиши, ғийбат, гап-сўзларга нишон бўлиш, айбсиз айбдордек ўзини ҳис қилиш, бола бобо-бувисининг уйида ҳам ўзини эркин ҳис қила олмаслиги, болаликнинг эрта тугаши кабилар кузатилишини айтдилар. Камдан-кам ярим етим болалар жамиятда ўзларини тўлиқ шахс сифатида ҳис қилиб, намоён қила оладилар, деган фикрларни билдирдилар. Албатта, ҳар бир болажон учун бу қатъий ҳукм эмас. Маълумотларга қараганда, ўзини тутиб олган бундай тоифа болалар ўзининг мустақил фикрига эга бўлиб, бошқалар бирор муаммосини ҳал қилиб беришини кутмасдан ўзи мустақил қарор қабул қила олади, ўз ҳаётий позицияси, қаттияти бўлади. Шунингдек, *психолог*нинг фикрига кўра, “Ажрим ажрашган инсоннинг ака-укаси, опасинглисининг оила қуришига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ижтимоий фикр, менталитет сабабли инсонлар ажрашган одами бор оилага қиз бериш ва қиз олишдан кўрқишадилар”. *Юрист* эса “Ёшларнинг ота-оналари орзу-ҳавас мақсадида тезроқ фарзандларининг оилали бўлишларини хоҳлашади, набираларини катта қилишни орзу қилишади. Лекин шошма-шошарлик туфайли кўпинча ўзлари ва жондан азиз фарзандлари жабр кўради. Ота-она учун фарзанди келажакки олдидаги маънавий жавобгарликдан ҳам оғирроқ жазо йўқ. Шунингдек, агар қариндошлар қуда бўлган бўлса, ажрашиш туфайли қариндошлар ўртасида низолар келиб чиқиб, юз кўрмас бўлиб кетадилар”, деди.

## ХУЛОСА

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, илмий тадқиқотларга қарамасдан, афсуски, оилалар бузилиши ҳолати йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Энг ачинарлиси, оилалар ажрашишидан нафақат икки инсон, балки уларнинг яқинлари, фарзандлари ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради. Ажрашган одамлар ва уларнинг оила аъзоларида руҳий тушкунлик, депрессия ҳолатлари, инсонларга, келажакка бўлган ишончсизлик кузатилади. Бу уларнинг ҳозирги куни ва келажаккига, иш фаолиятидаги унумдорликка, фарзанд тарбиясидаги хотиржамлик ва сабр-тоқатига салбий таъсир ўтказади. Атроф-муҳитдаги одамлар, яқинларининг муҳокама ва ғийбатлари уларнинг

ижтимоийлашишига халақит беради. Шунингдек, нотўлиқ оилада вояга етаётган болаларнинг хулқ-атворида агрессия, қонунбузарликка бўлган мойиллик ҳақида ўзбек ва чет эл тадқиқотчилари кўп бор тўхталиб ўтганлар. Ажрашган ёшлар билан ўтказилган сўровномадан олинган натижаларга кўра, фарзанд тарбиясидаги салбий ёки ижобий ўзгаришлар бола тўлиқ ёки нотўлиқ оилада вояга етаётганига эмас, балки бола атрофидаги одамларнинг у ва унинг яқинлари ҳақидаги фикрлари, вояга етаётган оиласида ҳукм сураётган муҳитга боғлиқ эканлиги аниқланди. Маълумки, эзгу фикр одамни яхши амалларга бошлайди. Шу сабаб, ажрашган инсонлар ва уларнинг яқинларига психологик ёрдам бериш билан бир қаторда гап-сўзлардан кўркиб, уялиб, ижтимоийлашишдан узоқлашишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун менталитетимиздаги айрим камчиликлар, жумладан, билиб-билмай бировларни ҳаётини, ажримини муҳокама қилиш каби маънавий иллатлар билан дунёвий ва диний билимлар тарғиботи асосида курашиш керак.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан олинган натижаларга кўра, оила мустаҳкамлигида эрнинг, отанинг оиладаги ўрнини ошириш масаласи долзарблиги келиб чиқади. Айрим оилаларда ота ва фарзанд ўртасида мулоқот, дўстлик, ҳамфикрлик каби жиҳатлар етишмайди. Бу айниқса, нотўлиқ оилаларда яққол кўзга ташланади. Шу сабаб, нотўлиқ оилаларда собиқ эр-хотиннинг фарзанд манфаати учун дўстона муносабат ўрнатиш лозимлиги, ота ўзининг фарзанди олдидаги нафақат моддий, балки таълим-тарбияга оид маънавий вазифасини унутмаслиги кераклигини кенг тарзда тарғиб қилиб бориш лозим.

## REFERENCES

1. Ёшларга донолар ўгити. – Т.: Гафур Гулом, 2018. – бет 236. (Advices to youngs from wisers. – Т.: Gafur Gulom, 2018. – p 236.)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – бет 80. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. – Т.: Uzbekistan, 2019. – p 80.)
3. Акрамова Ф. ва бошқалар. Оила энциклопедияси. – Т.: О‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2019. – бет 237. (Akramova F. and others. The family encyclopedia. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2019. – p. 237.)
4. Шоумаров Ғ. ва бошқалар. Оила психологияси. – Т.: Шарқ, 2010. – бет 295. (Shoumarov G. and others. The famiy psychology. – Т.: Sharq, 2010. – p 295.)



5. Adnan, A.A., Rauf, R.I., Argustang A., Ahmad, J. (2020). Agile leadership and divorce education: perception. *Humanities and Social Sciences Letters*, [8\(3\)](#), 323-330. DOI: 10.18488/journal.73.2020.83.323.330.
6. Mechanic, D. Hansell, S. (1989). Divorce, family conflict and adolescents' well-being. *Journal of health and social behavior*, 30(1), 105-116. <https://doi.org/10.2307/2136916>.
7. Behere, A.P., Basnet, P., Campbell, P. (2017). Effect of family structure on mental health of children: a preliminary study. *Indian Journal of Psychiatric Medicine*, 39(4), 457-463. <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.4103/0253-7176.211767>.
8. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. <https://lex.uz/docs/104720>. (Family Code of the Republic of Uzbekistan. <https://lex.uz/docs/104720>.)
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.: HILOL-NASHR, 2018. – бет 528. (Sheikh Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Happy family. – Т.: HILOL-NASHR, 2018. – p 528.)
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Киfoя. 2-жуз. – Т.: HILOL-NASHR, 2015. – бет 584. (Sheikh Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Kifoya. Volume 2. – Т.: HILOL-NASHR, 2018. – p 584.)
11. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги мажбурий ижро бюроси расмий сайти. <https://mib.uz/news>. (Official site of the Bureau of Enforcement under the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan. <https://mib.uz/news>.)
12. Kun.uz расмий ахборот сайти. 2017 йил 15 май маълумотлари. <https://kun.uz/news/2017/05/15>. (Kun.uz official news site. Data for May 15, 2017.)
13. Саифназаров, И., Саифназарова, Ф. (2018). Ёшлар ва оила - ватан таянчи. "Таълим нашриёти", 132 б.